



## НАҲВ КИТОБЛАРИДА ЭГАГА ТАСИР ҚИЛУВЧИ ЮКЛАМАЛАР

**Jumanyazov Mansur**  
*Sharqshunoslik Universiteti*

**Аннотация:** *Олд кўмакчи; такидловчи; боғловчи; Мутлоқ инкор; нидо ва мунода;*

**Калит сўзлар:** *Ушбу моқолада араб тилида эгага тасир қилувчи юкламаларни араб тили грамматик олимларининг илмий қарашлари йоритилган бўлиб ва унинг аҳамияти ҳақида сўз йуригилади.*

Турланиш ва тусланиш тилшуносликда флексия, номи билан ифодаланади. Араб тили грамматикасида эса турланиш ва тусланишга алоҳида грамматик ҳодисалар сифатида қаралмайди, балки, улар эъроб, деб номланиб исм ва феълнинг эъробланиши, деб аталади.

Флексия – эъроб деганда сўзларнинг охириги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди.

Маълумки, араб тилида учта сўз туркуми бўлиб, улар исм, феъл ва ҳарф, деб номланади. Улардан исм ва феъл юқорида айтиб ўтганимиздек, эъробланади, яъни турланади ва тусланади. Ҳарф сўз туркуми эса ўзгармайди, чунки уни таркибига ўзгармас юклама, кўмакчи ва боғловчилар киради.


Исм сўз туркумининг эъробланиши ҳақида маълумот берадиган бўлсак, у учта келишик бўйича турланади. Бу келишиклар рафъ, насб ва жарр деб номланади. Рафъ (رفع) – исмларда бош келишикни ифодалайди ва унинг кўрсаткичи “дамма ва танвин дамма” (сўзнинг аниқ ва ноаниқ ҳолатдалигига қараб) дея номланади. Насб (نصب) – исмларда тушум келишигини англатади ҳамда сўзлар бу келишикда “фатҳа ва танвин фатҳа” билан ҳаракатланадилар. Ва ниҳоят учинчи келишик жарр (جر) – исмларда қаратқич келишигини билдиради ва унинг кўрсаткичлари “касра, танвин касра” дир.

Исмнинг даммага тугалланиши, яъни бош келишик жумлада бирор-бир бошқа сўзга боғлиқ эмас, у фақат эга ва кесимни ифодалаш учун ишлатилади.

Қаратқич келишиги эса кўмакчилардан кейин ҳамда мослашмаган аниқловчини ифодалаш учун ишлатилади. Демак, исм сўз туркуми бирор омил ёки бошқа сўз ёрдамида қаратқичда турар экан.

Исмнинг фатҳага тугалланиши, яъни тушум келишиги эса, асосан жумлада келган феъл ёки баъзи юкламаларга боғлиқдир. Бундан кўриниб турибдики, тушум келишиги араб тили грамматикасида энг сермахсул келишиқдир.

Юқорида биз исм сўз туркуми феъл ва юкламалар таъсирида тушум келишигида туриши ҳақида гапирган эдик, энди мана шу юкламалар ҳақида маълумот бериб ўтсак.





Араб тилида исмларни тушум келишигида туришини талаб қилувчи юкламалар бир неча турга бўлинади ва улар қуйидагича номланади:

1. إن و أخواتها - Инна ва унга ўхшаш (эгага таъсир қилувчи) юкламалар.
2. حروف الإستسناء - Истисно юкламалари.
3. المنادى - Ундов юкламалари.

4. لا اسم "لا" لنفى الجنس - мутлоқ инкор юкламаси. Қуйида бу юкларни батафсил ёритиб ўтаемиз.

إن و أخواتها - Инна ва унга ўхшаш юкламалар гапнинг эгасига таъсир қилиб, уни тушум келишигида туришини талаб қилади.

Араб грамматиклари ҳам бу юкламалар ҳақида кўплаб фикрлар билдирганлар. Жумладан, Ф.Неъмат юкламаларга қуйидагича таъриф берган.

و جميع هذه الحروف تدخل على المبتدأ والخبر تنصب المبتدأ ويسمى إسمها وترفع الخبر ويسمى خبرها.<sup>24</sup>

“Бу юкламаларнинг барчаси эга ва кесимга таъсир қилади. Эгани насб ҳолатида келишини талаб қилади ва унинг эгаси деб аталади. Кесим эса рафъ ҳолати бўлиб, унинг кесими деб аталади”.

Эгага таъсир қилувчи юкламалар таркибига қуйидагилар киради:

1. إن - тингловчи ё ўқувчи гапга ишонмаслиги мумкин, деб ҳисобланганда ишлатиладиган таъкид юкламаси<sup>25</sup>. “дарҳақиқат”, “ҳақиқатда”, “чиндан ҳам” каби маъноларини билдиради. Кўпинча бу юклама ўзбек тилига таржима қилинмайди<sup>26</sup>. Масалан:

إن محموداً صديقى العزيز. - *Маҳмуд ( чиндан ҳам ) азиз дўстим.*

Агар إن ва шунга ўхшаш юкламалар феъл кесимли гапларга қўшилса, гапнинг эгаси олдинга ўтади. Бошқача айтганда, бу юкламалардан кейин бевосита гапнинг эгаси келади. Масалан:

كتب الطلاب هذه الجملة - *Талабалар бу жумлани ёздилар.*

ان الطلاب كتبوا هذه الجملة - *(Ҳақиқатда) Талабалар бу жумлани ёздилар.*

2. أن - ...ки маъносини билдирувчи бу юклама шахси номаълум гапларда ёки тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи вазифасини бажаради.

Масалан:

من المعلوم أن محموداً شاب عاقل - *Маълумки, Муҳаммад ақлли йигитдир ёки Муҳаммаднинг ақлли йигитлиги маълум.*

سمعنا كلنا أن الصيام مفيد - *Биз эшитдикки, рўза тутуш фойдалидир ёки Биз ҳаммамиз рўза тутуш фойдали эканлигини эшитдик.*

و أعلن أن اللجنة الاقتصادية بمجلس الوزراء ستناقش هذا الموضوع في اجتماعها المقرر اليوم.<sup>27</sup>

Вазирлар кенгашининг иқтисодий қўмитаси бу мавзунинг ўзининг йиғилишида кўриб чиқишини эълон қилди.


3. كأن - “гўё, гўёки, ...дек”, маъноларини англатувчи бу юклама ҳам إن юкламаси каби морфологик хусусиятга эга. Масалан:

<sup>24</sup> فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. مصر. ص. 147.

<sup>25</sup> Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2015. –Б. 186.

<sup>26</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М.. Араб тили. I Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – Б. 343

<sup>27</sup> الدستور. أكتوبر 2004. العدد 19.





كأن زينب ملك - *Зайнаб фаришта кабидир.*

كان أباك بطل - *Гўё отанг қаҳрамондек.*

4. لكن – “*бирок, аммо, лекин*” маъноларини билдирувчи бу юклама зидловчи боғловчи вазифасида келади<sup>28</sup>.

كلنا ذهبنا إلى حديقة الحيوانات و لكن محمداً لم يذهب.

*Барчамиз ҳайвонот боғига бордик, бирок Муҳаммад бормади.*

5. لعلّ – “*эҳтимол, шоядки*” маъноларини англатадиган бу юклама гумонни амалга ошишидан бўлиши ҳам мумкин бўлган тилакни билдиради. Масалан:  
لعلّ ابراهيم ينجح في الامتحان – *Шояд (зора) Иброҳим имтиҳонда муваффақият қозонса.*

لعلّ عبد الغفار يرجع غداً – *Абдулғаффор, эҳтимол, эртага қайтар.*

Бу юклама َعَلَّ – шаклида ҳам ишлатилади. Мисол:

علّ صديقك يستضيفنا – *Балки дўстинг бизни меҳмон қилар*<sup>29</sup>.

6. ليت - *кошки.* Бу юклама амалга ошиши мумкин бўлмаган тилакни билдиради<sup>30</sup>.

Масалан:

يا ليتنى كنت تراباً - *Оҳ, кошки эди мен тупроққа айланиб қолсам.* Исmlарнинг насб ҳолатида туришини талаб қилувчи الإستسناء – “истисно юкламалари”га, *إلا، غير،* “истисно юкламалари”га – *حروف الإستسناء* – “истисно юкламалари”га, улар “бошқа, ... дан ташқари” деб таржима қилинади.

Бу юкламалар орасида энг кўп қўлланиладиган *إلا* юкламасидир ва қуйидагича ифодаланади:

агар юкламаси дарак гап таркибида иштирок этса, у ҳолда бу юкламдан кейин келаётган исм, яъни инкорни ифодаловчи исм насб ҳолатида бўлади.<sup>31</sup>

Масалан:

جاء الناس إلا زيدا - *Зайддан ташқари ҳамма келди.*

مررت بأصحابك إلا عمراً - *Мен Умрдан бошқа дўстларинг ёнидан ўтдим.*

Агар жумла инкор жумла бўлса, истисно этилаётган сўз шу жумлада *إلا* қўлланмаганда қайси ҳолатда келиши лозим бўлса, шу ҳолатда келади. Масалан:

ما رايتُ إلا عمرو - *Амрдан бошқасини кўрмадим.*

Агар жумла инкор бўлиб, истисно юкламасидан олдинги сўз мавжуд бўлса, ундан кейинги сўз олдинги сўз билан келишиқда мослашади ёки насб ҳолатида бўлади. Масалан:

ما كلمنى أحدٌ إلا زيدٌ (أو زيداً) – *Мен билан Зайддан бошқа ҳеч ким гаплашмади*

<sup>28</sup> Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2015. –Б. 187.

<sup>29</sup> Ўшасар, ўша бет.

<sup>30</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М.. Араб тили. I Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – Б. 343

<sup>31</sup> Гранде Б.М. Курс арабского грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М., 1998. –С.416.





Бироқ *إلا* дан олидин келаётган сўз жарр ҳолатида (қаратқич келишигида) бўлса, ундан кейин келаётган сўз рафъ ёки насб ҳолатида бўлади, жарр ҳолатида бўлмайди. Масалан:

(أو زيدًا) ما أتانى من أحدٍ إلا زيدٌ - *Меникига Зайддан бошқа ҳеч ким келмади.*

Шунингдек бу юклама *و* боғловчиси билан ҳам бирга келиши мумкин. Бунда истисно исмиий гап орқали ифодаланган бўлиши керак.

Масалан:

و ما وصل المال إلا وقد مرض مرضاً شديداً.

*Пул (мол) келмай туриб, у қаттиқ касал бўлиб қолди.*

Шунингдек, манбалардан маълумки, *خاشا، عدا، خلا* каби истисно этилаётган сўз ҳам насб ҳолатида келиши мумкин.

Б.М.Гранде бу юкламалар ҳақида қуйидаги фикрлар билдиради: “Бу юкламалар феълдан келиб чиққан бўлиб, даставвал улар насб ҳолатидаги отни бошқарганлар, кейинчалик уларнинг феъллик хусусияти йўқолиб бориб, улар кўмакчилар каби қабул қилинган ва натижада улардан кейин келаётган исм қаратқич келишигида келган. Улардан кейин келадиган отларнинг икки келишикда кела олишининг асосий сабаби шудир.

Х.К.Баранов бу юкламалардан кейин насб ҳолатидаги отни қўллаш тўғрироқ бўлади деб ҳисоблайди”<sup>32</sup>.

(أو عمروًا) رايث كلهم خاشا عمرو - *Амрдан бошқа ҳаммани кўрдим.*

Агар *عدا* ва *خلا* юкламалари *ما* юкламасидан кейин келса, исм фақат насб ҳолатидагина қўлланилади<sup>33</sup>.

ما عدا زيدًا - *Зайддан бошқа.*

ما خلا عمرو - *Амрдан бошқа.*

Исмларни тушуи келишигида туришини талаб қилувчи омиллардан яна бир “*المنادى*”, яъни мурожаат ёки ундалмадир.

Араб тилида ундалмалар, одатда, қуйидаги ундов юкламаларидан кейин келади:

"-энг кўп ишлатиладиган ундов юкламаси. Бу юкламадан кейинги ундалма атоқли от бўлса ё сўзловчига яқин, кўзига кўринадиган масофадаги муайян шахсга қаратилган ва бир сўздан иборат бўлса, артиклсиз, танвинсиз, бош келишикда бўлади:

يا محمد، لماذا تأخرت؟ - *Муҳаммад, нега кеч қолдинг?*

يا أستاذ، فهمناك، - *Сизни (гапингизни) тушундик, устоз.*

Атоқли от билан ифодаланган ундалманинг мослашган аниқловчиси бош келишикда ҳам, тушум келишигида ҳам бўлиши мумкин .

يا محمدُ الظريفُ = يا محمدُ الظريف

يا خالدُ المهندسُ = يا خالدُ المهندس

<sup>32</sup> Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М., 1998. 417-с.

<sup>33</sup> Ўша асар, ўша бет.





Аниқловчили ундалма бу юкламадан кейин тушум келишигида бўлади. Мисоллар:

اجلس هنا، يا عبد الله - *Шу ерда ўтир, Абдулла!*

يا أخانا، اللغة العربية لغة صعبة - *Биродаримиз, араб тили – қийин тил.*

يا جالساً في مكاني، قم وسلم على الأستاذ. - *Ўрнимга ўтирган киши, туриб, устозга салом бер!*

Узоқдаги ёки мавҳум шахсга қаратилган ундалма тушум келишигида ноаниқ ҳолатда танвинли бўлади:

يا رجلاً - *Ҳой, одам!* يا غافلاً! - *Эй, ғофил!*

Бундай ундалманинг мослашган аниқловчиси ҳам бўлиши мумкин.

Масалан:

يا رجلاً حكيمًا؟ - *Бунинг маъноси нима, доно одам?*

أين كنت، يا صديقاً حميماً، في هذه الأيام؟ - *Шу кунларда қаерда эдинг, содиқ дўст?*

2. ( " أيتها " - муаннасада ) юкламаси. Бу юкламадан кейин келган ундалма албатта " ال " артикли билан ва бош келишикда бўлади<sup>34</sup>.

أيتها الناس، أنقذوني - *Одамлар, мени қутқаринглар!*

أيتها الطالبة، الحياء من الإيمان - *Ҳаё - имондандир, толиба!*

Бу юклама " يا " юкламаси билан бирга ишлатилиши мумкин:

يا أيها الضيوف الكرام، أهلاً وسهلاً بكم في جامعتنا!

**Ҳурматли меҳмонлар, университетимизга хуш келибсиз!**

Юқорида айтиб ўтганимиздек لا мутлоқ инкор юкламасидан кейинги сўз ҳам тушум келишигида туради.

Агар бу юклама исмий жумла таркибида келса, эгани тушум келишигида, от-кесимни бош келишикда туришини талаб қилади. Аксарият ҳолларда унинг эгаси вазифасида музоф келади, масалан: لا غلامَ رَجُلٍ ظَرِيفٌ فِي الدَّارِ - *Ҳовлида кишининг ғуломи зукко эмас.*

Агар لا инкор юкламасидан кейин бирликда, ноаниқ ҳолатдаги сўз келса, у доимо фатҳа билан ҳаракатланади. Масалан: لا رَجُلٌ فِي الدَّارِ - *Ҳовлида ҳеч ким йўқ.*

لا инкор юкламасидан кейин аниқ ҳолатдаги от келса ва ундан кейин яна لا юкламси аниқ ҳолатдаги от билан такрор келса, لا нинг таъсир кучи кетади ҳамда аниқ ҳолатдаги ҳар икки от ҳам бош келишикда туради, масалан: لا زَيْدٌ - *Меникида на Зайд ва на Амр бор.*

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тушум келишиги араб тили грамматикасида энг сермаҳсул келишик ҳисобланади. Бу бу келишикни ишлатилишида айниқса юкламаларнинг ўрни каттадир ва улар “Эгага таъсир қилувчи, истисно, мурожаат ҳамда мутлоқ инкор” каби юкламаларга бўлинади.

<sup>34</sup> Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2015. –Б. 134.





### Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Абдужабборов. Араб тили. –Т.: Тошкент ислом университети, 2015.
2. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Наманган: Наманган нашрети, 2009.
3. Носирова М.А. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар. –Т.: ТошДШИ, 2004.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: “Восточная литература” РАН , 2001.
5. Ҳифни Носиф. Ад-дурусин-наҳвийа. –Искандария: Дарул-ақида, 2007.
6. Фуъад Неъмат. Мулаххас қаваидил-л-луғатил-л-арабияти. –Қоҳира, 2005.
7. Қосимова С. Ҳамидуддин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014.

